



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 февраль куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Алихан Смаиловни қабул қилди.



Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида Бош вазир Алихан Смаилов давлатимиз раҳбарига Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг саломини ва энг эзгу тилақларини етказди.

Ўтган йил декабрь ойидаги саммитда Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчилари эришган келишувларнинг амалга оширилишини таъминлаш борасида икки мамлакат ҳукуматлари томонидан



қабул қилинаётган чоралар кўриб чиқилди.

Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва унинг кўрсаткичлари мувозанатли бўлишига эришиш учун қулай

шарт-шароитлар яратиш, янги sanoat кооперацияси ва логистика марказлари ташкил этишни жадаллаштириш, сув, энергетика ва транспорт-коммуникация соҳаларида ўзаро манфаатли

ҳамкорликни кенгайтириш, ҳудудлараро мулоқотлар ва маданий-гуманитар алоқаларини фаоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 11 февраль куни йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

— Бу масалани охириги беш йилда бирор раҳбар, бирорта ташкилот жиддий ва таҳлилий муҳокама қилмаган. Мазкур соҳа бўйича қонунлар, ишлар мутлақо қониқарсиз. Йўл ҳаракати хавфсизлиги масаласи издан чиқиб кетган. Бу одамларнинг эътирозига сабаб бўляпти, — деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизда 2021 йилда 10 мингдан зиёд йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда 9 мингдан ортиқ инсон жароҳатланган. Энг ачинарлиси, 2 минг 500 га яқин одам ҳалок бўлган.

Таҳлилларга кўра, йўллардаги фалокатларнинг 25 фоизи йўл ҳолати ёмонлиги ва инфратузилмаси оқилона ташкил этилмагани оқибатида келиб чиққан. Масалан, Поп билан Тўрақўрғон, Жарқўрғон ва Денов, Самарқанд билан Ғузор ўртасидаги йўллар, А-373 йўлининг Ёзёнов туманидан ўтган қисмида ҳар йили ўнлаб одамлар ҳалок бўлмоқда. Афсуски, бундай хавфли кўчалар ҳар бир вилоят, ҳар бир туман ва шаҳарда бор.

Йиғилишда йўл-транспорт ҳодисалари кўп содир бўлаётган ҳудудлар кўрсатиб ўтилиб, мутасаддиларига интизомий жазо чоралари белгиланди. Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи, Андижон ва Самарқанд вилоятлари йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари бошлиқлари лавозимидан озод қилинди.

Қайд этилганидек, транспорт ҳодисаларининг кўпига ҳайдовчиларнинг йўл қоидаларини қасдан менсимаслиги ва тажрибасизлиги, пиёдаларнинг қоидаларга амал қилмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. Шу боис, бу йил барча ҳудудларда “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” умуммиллий дастури амалга оширилиши таъкидланди.

Қонунчилик палатаси ва мутасадди идораларга йўл ҳаракатига оид қонун ҳужжатларини қайта чиқиб, тўдан такомиллаштириш вазифаси кўйилди. Чунки кўпол қоидабузарликлар, уларни тақрор содир этиш ҳолатлари кўпайган.

Жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида бундан буён ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун жарима баллари қўйилди. Автоматик равишда бадалли микдорини жарима балларидан келиб чиқиб белгилаш тартиби жорий этилади.

Шунингдек, автомобилни тартибсиз бошқариб, бошқа ҳайдовчиларга халақит қилганлик учун алоҳида “Йўл безорилиги” деган янги жавобгарлик тури киритилади.

Давлатимиз раҳбари йўл ҳаракати қоидаларини эскирганини таъкидлаб, уларни халқаро стандартлар асосида, мутахассислар ва ҳайдовчилар фикрини ўрганган ҳолда янгилаш бўйича топшириқ берди.

Йиғилишда ҳайдовчиларни тайёрлаш ва имтиҳон қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Юртимизда автотранспорт воситалари йилдан-йилга кўпайиб, ҳайдовчиларнинг малака даражаси ва ўзаро ҳурмати, ақсинча, пасайиб бормоқда. Йўл-транспорт ҳодисаларининг 75 фоизини 35 ёшгача бўлган ҳайдовчилар содир этган. Автоматикларда

ўқитилаётган китоблар ғализ, ўқув дастури эскича.

Шу боис, бундай мактабларда таълим сифатини назорат қилиш вазифаси Ички ишлар вазирлигига юклатилди. Автоматиклар ва имтиҳон марказларига бўлган талабларни қайта кўриб чиқиш, ҳайдовчиликка ўқитиш самардорлиги ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Транспорт оқимини бошқаришнинг энг самарали йўли — рақамлаштириш. Лекин бу борадаги ишлар етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, “рақамли бошқарув” Тошкент шаҳридаги жами 602 та чорраҳадан 111 тасида бор, холос. Бошқа шаҳарларда эса бундай тизим йўқ.

Тошкент шаҳар ҳокимлигига пойтахт йўлларида ҳаракат бошқарувини рақамлаштириш, икки йилда барча чорраҳаларни рақамли тизимга ўтказиш вазифаси кўйилди. Ҳудудларда шундай тизимни жорий этиш вилоят ҳокимлари зиммасига юклатилди.

Нукус шаҳри ва вилоят марказларида йўл ҳаракатини бошқариш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳудудий концепциялар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда йўллар ҳолати ва инфратузилмасидаги муаммолар ҳам таҳлил қилинди.

Ўтган йили йўл ҳаракатига оид масалалар бўйича аҳолидан 10 мингдан зиёд мурожаат бўлган. Жумладан, транспорт серкатнов бўлган 2 мингдан ортиқ чорраҳа ва 10 мингга яқин пиёда ўтиш йўлагига светофор ёки бошқа воситалар билан жиҳозланмаган. Аҳоли пунктларида 15 минг километрга яқин пиёда ва велосипед йўлақлари етишмайди.

Бундан ташқари, йўл белгиси ва кўрсаткичларининг ярми эскириб кетган. Вилоят ҳокимликларига қарашли йўл белгилари ва светофорлар ўрнатишга масъул корхоналарнинг кўп техникаси эскирган. Энди бу корхоналар ўша ҳудуддаги йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси тасарруфига ўтказилиши белгиланди.

Вилоят ва туман марказларида йўл белгилари, светофор ва ёриткичлар ўрнатиш, чиқиқлар қизиш, пиёдалар йўлагини белгилаш, умуман, йўлларни тартибга солишга фақат йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими масъул бўлади. Бу ишларни молиялаштириш учун тизимда “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика ва вилоят жамғармалари ташкил этилади.

Бундан ташқари, йўл белгиларини ишлаб чиқаришда “Автоёул”нинг монополияси бекор қилинади ва ушбу соҳага тадбиркорлар жалб этилади.

Давлатимиз раҳбари кўчалардаги ҳаракатни ҳайдовчи ва пиёдалар учун қулай ташкил қилиш бўйича кўрсатмалар берди.

— Йўлларда тартиб-қоидалар илм билан ҳамоҳанг бўлиши керак. Йирик шаҳарлардаги марказий кўчаларда тезлик чекловларини оқилона белгилаш лозим. Жумладан, мактаб ва боғчалар олдида тезлик 30 километрдан ошмаслиги шарт. Айрим гавжум кўчаларда эса хозирги 70 километр соатдан 60 километрга тушириш зарурати бор, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис, соҳага ихтисослашган илмий-амалий марказ ташкил этиш вазифаси кўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан соҳа мутасаддилари, ҳокимлар сўзга чиқди.

ЎЗА

ҲУДУДЛАР ҲАЁТИ



МУАЗЗАМ ЗАМИННИНГ МУНАВВАР ИСТИҚБОЛИ

Давлатимиз раҳбари куни кеча Самарқандга ташриф буюриб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш бўйича лойиҳалар билан танишди, кўзи оқизлар мактаб-интернати ўқитувчи ва ўқувчилари, фаоллар билан учрашувларда ихтисослашган таълим соҳасини янада такомиллаштириш, бунинг учун замонавий шароитлар яратиш, маҳалларда янги тизимни ривожлантириш ва ёш авлодни камол топтириш ишларига алоҳида эътибор қаратди.

Давоми 2-бетда

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

ШОИРНИНГ УНУТИЛМАС БОҒИ

Президентимизнинг “Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорини ўқиб...

XX аср ўзбек шеърининг тарихида худди чақмоқдек барчанинг эътиборини тортган Усмон Носир нисбатан қисқа умр кўрди. Бирок ундан эслашга муносиб адабий мерос — шеърининг тўпламлари, достонлари, драмалар, таржима асарлари мерос қолди. Ўз вақтида шеърлари тилларда дoston бўлган шоирнинг кўнгли бўстонидан униб чиққан чечаклар ҳали-ҳануз ўз ифори, таровати ва

гузаллиги билан барчани ҳайратга солади. Шоирнинг оташин шеърлари ҳар кимнинг қалбига етиб боради. Юрак тугёнларини, таассурот ва ҳис-туйғуларини табиий бир тарзда шеърининг мисраларга жойлайди шоир. Унинг шеърларида мусиқий оҳанг мазмун билан уйғунлашади.

Давоми 2-бетда

МУАЗЗАМ ЗАМИННИНГ МУНАВВАР ИСТИҚБОЛИ



ХУДУДЛАР ҲАЁТИ

РАВОН ЙЎЛЛАР НУРЛИ МАНЗИЛЛАРГА ЭЛТАДИ

Бошланиш 1-бетда

Бугун барча йўллар қадим ва навқирон кентга бошлайди. Улар раvon, замонавий ва сифатли инфратузилмага эга бўлиши зарур. Президентимиз Самарқанд шаҳридаги Бўстонсарой ва Рудакий кўчалари кесилмасида бунёд этилган туннель, янги йўллари кўздан кечиран экан, амалга оширилган ишларга баҳо берди.

Самарқандликлар яхши биладикки, бу кўчаларда қатнов кўпчилигидан доимий тирбандлик юзага келарди. Айнан шу ерда туннель ва янги йўллари қурилиши ҳайдовчилар ва пиёдаларга ҳам қўлайлик яратди. 2019 йил сентябрь ойида бошланган

қурилиш ишлари натижасида узунлиги қарийб 1 километр бўлган йўл ўтказгич бунёд этилди. Рудакий кўчасида автомобиль ва трамвай йўли, пиёдалар ҳамда велосипед йўллари қурилди, ҳудуд ободонлаштирилди. Бу ишнинг барпо этилиши шаҳарнинг Мирзо Улугбек, Бўстонсарой, Ибн Сино, Рудакий, Хусайн Бойқаро, Навоийшоҳ ва бошқа кўчалардаги тирбандликларни бартараф этиб, соатига 1,5 мингдан ортиқ автомобиль ҳаракатланади.

Давлатимиз раҳбари масъуллар билан мулоқот чоғида хавфсиз йўл моделини яратиш, катта шаҳарларда тезликни соатига 60 километргача чеклаш борасида фикр билдирди. Истиқболда Самарқандда

йўлларда хавфсизлик чораларини кўриш, ўрганиш бўйича илмий-амалий марказ ташкил қилинади, хавфсиз шаҳар концепцияси ҳаётга таъбиқ этилади.

Аҳолиси 1 миллионга етадиган Самарқанд шаҳри йўлларида пиёдалар учун бир қатор қўлайликлар яратилади. Бу биз учун янгилик эмас, албатта. Пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш, лозим бўлса, ногиронлар учун ҳам бирдек қўлай ҳаракатланиш имкониятини яратиш борасида шаҳарда биринчи овозли светофорлар ўрнатилди. Чунки йўлларнинг хавфсизлиги бугунги кундаги асосий вазифа ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари Бўстонсарой кўчасида галерея услубида

66

Давлатимиз раҳбари Бўстонсарой кўчасида галерея услубида қурилган кўприкда пиёда юриб, бу ерда бажарилган ишларини кўздан кечирди. Йўлнинг “Сиеб” канали устидан ўтган қисми жуда паст эди, бу ёгингарчилик мавсумида пиёдалар учун ноқулайликлар келтириб чиқарарди. Қисқа муддатда, яъни олти ойда йўл 23 метргача кўтарилди, эни 31 метргача, тўрт тасмадан олти тасмагача кенгайтирилди. Унинг икки четида ҳам ҳимоя, ҳам шовқин камайтириш воситалари ўрнатилди, пиёдалар ва велосипед йўлаклари қурилди.

қурилган кўприкда пиёда юриб, бу ерда бажарилган ишларини кўздан кечирди. Йўлнинг “Сиеб” канали устидан ўтган қисми жуда паст эди, бу ёгингарчилик мавсумида пиёдалар учун ноқулайликлар келтириб чиқарарди. Қисқа муддатда, яъни олти ойда йўл 23 метргача кўтарилди, эни 31 метргача, тўрт тасмадан олти тасмагача кенгайтирилди. Унинг икки четида ҳам ҳимоя, ҳам шовқин камайтириш воситалари ўрнатилди, пиёдалар ва велосипед йўлаклари қурилди.

Қисқа муддатда амалга оширилган бу каби лойиҳаларда қатнашганимиздан мамнунми. Айни кунларда Самарқанд шаҳрида янада обод ва раvon йўллар, кўприклар қурилишига ҳисса қўшиш ҳаракатидамиз.

Азим БЕКМУРЗОЕВ, “Кўприкқурилиш” унитар корхонаси биринчи отряди бошлиғи ўринбосари

ЭНДИ ҲАЁТИМИЗ МУТЛАҚО ЎЗГАРАДИ

Абдуҳалим МЕЛИЕВ, Самарқанд шаҳридаги 59-мактаб-интернат директори, халқ таълими аълочиси

Ёруғ оламини, атрофни, борлиқни, энг муҳими, ота-онанини, фарзандларини кўрмаслик — бу оғрик, ушалмас армон. Самарқанд шаҳридаги кўзи ожиз ўқувчилар таълим оладиган 59-маҳсус мактаб-интернатга раҳбар бўлганимдан буён шу ҳақида ўйлайман. Ҳар бир кўзи ожиз ўқитувчи ёки ўқувчининг қалбига қайта-қайта қулоқ солгим, уларнинг ўй-кечинмалари, орзу-умидларига шерик бўлгим, ёрдам бергим келади. Қандайдир ташвишларига малҳам бўлсам, ўзимни энгил ҳис қиламан. Яширмайман, бу борада хали муаммолар борлиги қалбимга тинчлик бермайди.

Президентимизнинг 10 февраль куни мактаб-интернатимизга ташрифи, ўқитувчи ва ўқувчилар билан дилдан суҳбатлашиб, уларнинг фикрларини, таклиф, муаммоларини эшитгани мени ва бутун жамоамиз аъзоларини ўйлантираётган масалалар ечимини кўрсатди. Тоғдек залворли, юки оғир орзулар ушаладиган, бир неча йиллардан буён юракларини ўртаб келаятган муаммо, қийинчиликлар бартараф этиладиган бўлди.



— Бу ерга илгари, Самарқанд вилоятида ҳоким бўлиб ишлаган пайтларимда ҳам келганман, — деди давлатимиз раҳбари. — Ушанда мактаб-интернатдаги шарт-шароитлар яхши эмаслигини кўриб, қачонлардир бу муаммоларни бартараф этиш лозимлиги тўғрисида ўйлаганман. Шунинг учун ҳам бугун айнан мана шу мактаб-интернатга келишга қарор қилдим.

Тўғриси, давлатимиз раҳбарининг жамоамизга, ўқитувчи ва ўқувчиларга самимий муносабати уларнинг дил “қулфи”ни очиб юборди. Қизгин ўтган суҳбат ва мунозараларда муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида гап борди.

Бошланғич таълим ўқитувчиси Алишер Худоевнинг бугунги кунда брайль алифбосида ёзилган дарсликлар етишмаслиги ва ҳанузгача маънан эскирган китоблардан фойдаланилаётгани, хорижий тилдаги дарсликлар чоп этилмагани ҳақидаги фикрларини

Президентимиз маъқуллаб, бу муаммоларни ҳал этиш учун мутасаддиларга топшириқ берди.

Яна бир ўқитувчимиз Мавлуда Қуддусова йигирма беш йилдан буён шу даргоҳда ишлаётгани, ўзи ва турмуш ўртоғи кўриш бўйича биринчи гуруҳ ногирони экани, афсуски, икки қизи ҳам бу ёруғ оламини кўриш бахтидан мусово бўлиб туғилганини айтганда, давлатимиз раҳбари ҳам таъсирланиб кетди.

— Лекин биз ҳаётда ўз ўрнимизни топиш, фарзандларимизни жамиятга нафи тегадиган инсонлар этиб тарбиялашга, билим беришга интиляямиз, — деди Мавлуда опа. — Катта қизим айни пайтда Самарқанд давлат университети талабаси. Кичиги эса шу мактаб-интернат битирувчиси. Мусиқа соҳасига,

кўшиқ ижро этишга қизиқади. Уни ҳам келажакда олий ўқув юртида ўқитишга ҳаракат қилаямиз.

Президентимиз муаллимнинг бу гапларидан хурсанд бўлиб: “Мана шундай фидойилигингиз учун раҳмат сизга! Албатта, иккинчи қизингиз ҳам Самарқанд давлат университетиде мусиқа йўналишида ўқийди, бунга ёрдам берамиз”, деди.

Самимий суҳбатлар давомида яна уч ўқувчи қизимиз ҳам олий ўқув юртиларига имтиҳонсиз ўқишга кириши билдирилди.

Айни чоғда давлатимиз раҳбари мавжуд шарт-шароит ва муаммоларни инобатга олиб, кўзи ожиз инсонлар учун имкониятлар кенгайтирилиши таъкидлади. — Шундай қарор қабул қиламизки, аввало, мактабларнинг ўзида ўқувчилар касбга ўргатилади. Ҳар бир олийгоҳда, ташкилотда кўзи ожиз инсонлар учун алоҳида ўринлар бўлади. Бу соҳада энг катта қийинчиликлардан бири — мактабгача таълим. Шунинг учун ҳар бир мактаб-интернат ёнида боғча ҳам қуриш керак, — деди Президентимиз.

Шунингдек, бу ерда 200 ўринли ошхона ва ётоқхона қурилиши, ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланиши, мактабни битириб, муайян бир мута-

хассислик ва касб эгаллаганидан сўнг давлат идоралари ва бошқа ташкилотларда ишлаши учун иш жойлари кафолатланиши маълум қилинди.

Ўқитувчиларимизнинг фаол ва жонқурлиги, ўқувчиларнинг тиришқоқлиги, билим олишга бўлган иштиёқи Президентимизга манзур бўлди шекли, у киши мактаб-интернатимиз республикадаги кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар учун таянч ўқув муассасасига айлантирилишини билдирди. Шу турдаги барча ўқув даргоҳларида болаларни касбга тайёрлаш учун устахоналар қурилиб, жиҳозланиши учун чоралар ҳам қурилади.

Ўқитувчиларимизнинг мактаб-интернатга ташрифи учун алоҳида тайёрларлик қўрмадик. Қаерларнингдир безаб, чиройли кўрсатишга интилмадик. Борини, мавжуд ҳолатни кўрсатдик. Кўнглимизда борини айтдик ва у кишининг ҳам самимий сўзларини эшитдик. Шу билан бирга, муассасамиз ўқитувчи ва ўқувчиларига бўлган жуда катта меҳр ва эътиборини ҳис қилдик. Энди ҳаётимиз мутлақо ўзгаради, жамиятдаги ўрнимиз мустаҳкамланади. Бу барчамизнинг кўнглимизни мунававр қилди, катта ишонч билан яшашга қанот ва руҳ берди.



АКАДЕМИК ЭДВАРД РТВЕЛАДЗЕ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудаликка учради.

Тарих, археология ва санъатшунослик соҳасидаги таниқли олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Эдвард Васильевич РТВеладзе 79 ёшида вафот этди.

Э.РТвеладзе 1942 йил 14 майда Грузия Республикасининг Боржоми шаҳрида туғилди. 1967 йили Тошкент давлат университетини тугатиб, Санъатшунослик институтини лаборант лавозимида меҳнат фаолиятини бошлади. 1975 йилда номзодлик, 1989 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг қарийб 60 йиллик илмий фаолияти давомида Санъатшунослик институтининг кичик илмий ходими, катта илмий ходими, бўлим мудирини ҳамда Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти илмий кенгашининг раиси лавозимларида самарали фаолият кўрсатиб, мамлакатимизда илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Заҳматкаш олимнинг Ўрта Осиёнинг қадимий ва ўрта асрлар тарихи, археологияси, нумизматика ва эпиграфикаси, санъати ва маданияти тарихига бағишланган юзлаб мақола ва тадқиқотлари, монография ва рисоалари юртимиз ҳамда дунё олимлари ва мутахассисларига яхши маълум.

Жонқуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган фидойи олимнинг бевоқиф раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланган.



Э.В.РТвеладзе мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сифатида самарали фаолият олиб борди.

Академик Э.РТвеладзенинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофоти, “Буюк хизматлари учун”, “Меҳнат шухрати” ва “Эл-юрт хурмати” орденларига сазовор бўлган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин ва самимий инсон Эдвард РТВеладзенинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ

МУНОСАБАТ

ХАЛОСКОР ҚУДРАТ

Мен санъатни, хусусан, қўшиқчилик санъатини шундай тушунаманки, у инсоният маънавий оламини юксалтиради, доим руҳиятига яхшилик олиб киради.



Шерали ЖҲҲРАЕВ, Ўзбекистон халқ артисти, “Ватандошлар” жамоат фонди васийлик кенгаши раиси

Масалан, дунёнинг энг буюк қўшиғи “Алла”нинг олинг. Бу муқаддас қўшиқнинг эзгуликка йўғрилган матнида гўдакни яхшиликка чорловчи, ёмонликлардан асровчи давъаткорлик устувор. Мен бир қўшиғимда “Она алласидан бошланган куйлар” деб айтган эдим. Зеро, гўдак қулони эшитилган илк оҳанг, илк куй бу — алла.

Қўшиқ, энг покиза ғоялар дастёри. У хоҳ ватанини улугловчи, хоҳ эзгулик, яхшиликка чорловчи, хоҳ ишқий, хоҳ жанговар бўлсин, бари покиза ғоялар, яхши ниятлар билан суғорилмоғи шарт.

Президентимизнинг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини ўқиб, икита жумланинг тагига қалинроқ чизиб қўйдим. Уларнинг бири — “Маданият қарвони”, иккинчиси — “Маҳорат дарслари”. Дарҳақиқат, маданият улуг қарвони. Инсоний туйғулар, одавий фазилатлар қарвони. Аждодлардан ўтиб келаятган жами қадрият, анъана, урф-одат, миллий ўзлик, ор-

номус, ахлоқ, қўйинги, ҳазрати инсонга хос, мерос, бойлик маданият қарвонига юкланган, жойланган бўлади.

Бу хосиятли қарвон йўлининг давомийлигини таъминлаш, уни турли таҳдидлар тўсиқлардан омон сақлаш эса бениҳоя шарофли вазифа. Ана шу йўлдаги юксак фидойилик, изчиллик қаторида маҳорат сабоқлари ҳам ғоят зарур. Бугун ҳар бир соҳада ишончимизга кириб бораётган, юрт байроғини адл тутишга қодир, шаҳди баланд ёшларимиз юксак маҳорат эгалари эгадиган тутиб, уларга эргашшига ҳақли. Давлатимиз раҳбарининг ушбу тарихий қарори билан улар бу имкониятга янада кенроқ эга бўлади.

Бундай ёшлар, янги-янги истеъдод эгаларининг “Маданият қарвонлари” сафида бардавом бўлиши, бунинг учун улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ҳам соҳада дастуриламал бўлажак ҳужжатнинг нуфузини янада оширади. “Маданият қарвонлари” тиним билмаслиги, пойтахтга йиғилган интеллектуал қатлам ҳудудлар билан чамбарчас алоқада бевоқиф ва билвосита ишлаши керак. Қарвонларда муносиб сарбонлар, уларнинг ортида эса эл-юрти номусини ўзининг ори билувчи қарвон дадил оқимлаб борса, уларнинг узоқ-узоқ манзилларга етажиги шубҳасиз.

Юрган — дарё дейдилар. Маданиятнинг ҳар бир жиҳати дарё бўлсин, юрсин, тўхта-масин. Қарраган, эҳтиёманд манзилларга оби маърифат тарқатсин. Бинобарин, илгор маданият, илгор санъат ўз қобилида қолиб кетса, ҳаёт чашмасидан, халқдан узилади, сунъийлашади. Шунинг учун мен қарорда илгари сурилган қарвон қатлами маданий ҳозиржавоблик, маданий изчилликка алоҳида эътибор берилишини истайман. Ваҳоланки, биз, табиат фарзанди сифатида қишлоқлар, овулларимизнинг маданий даражаларига ҳам тўла жавобгармиз. Тараққиёт, савия, маданий юксаклик, бадастир турмуш шаҳаргагина эмас, қишлоқларимизга ҳам жуда ярашади ва айни пайтда жуда ҳам зарур.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

ШОИРНИНГ УНУТИЛМАС БОҒИ

Президентимизнинг “Оташин шоир, таржимон ва драматург

Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорини ўқиб...

Бошланиш 1-бетда

Лирик шеърларида “Фикр — бола, бола — ўсувчан!” каби ҳаётини ҳикматлар учрайди. Шоир ёзганлариде ўзига хос шиддат, ҳайрат ва ҳаяжон ритми сезилади. “Киприги кўксига соя солган қиз” каби муволажалар шоир маҳоратидан дарак беради. Севинчдан қанот ясаб учиб ҳам, баланд осмон тубида ёшлигини кўриш ҳам унга хос. Шоирнинг тўлқинли юрагиде шодлик гўмбурлаб акс-садо беради. Қушларга назар солган шоир

уларнинг митти “мунчоқ кўзлари”нинг қорачиғига-ча илғайди. Усмон Носир қалби, сезими нафосатга тўла. Шоир юрагининг шакли, “дарди — нақши” шеър эди, А.Пушкин, Г.Гейне, Ю.Лермонтов каби дунё шоирлари ҳузурига боришда ҳам шеър унга кўприк эди. Шоир туйган, англаган, сезган гўзаллик ҳаққониятларини ўзига хос услубда ифода этди. Усмон Носир муҳбир қаламнини, “Ҳақиқатни эзасан, Борлиқни сен кезасан”, дея йўлга бошлади. Ижод аҳли учун илҳом онлари — бу руҳий-психологик кайфият ҳар қимда ҳар хил кечади. Ижодкор сурурдан, яхши сўз таъсиридан кўкка парвоз қилади — кўнглига санчилган митти зиррачеддан изтиробга тушади, озор чекади. Юракнинг уриши,

қуриши, импульси шундай. Шу боис, шоир гоҳ маҳзун, баъзан кувноқ.

Шу дунёда мен гўё севинчдан Қанот ясаб, учардим баланд.

Усмон Носирнинг “Боғим” шеъри фусункор. Аслида унинг сўз бўстонида ҳар бир адабиёт муҳибини ўзига ром этадиган мафтункор шеърлар кўп. Бу ям-яшил боғда шоирнинг руҳи кезади — лирик қаҳрамони яшайди. Чақмоқ ва янақоқ сўзлари боқийлигидан умидланган шоир ёзади:

Шеърларим янараб қолур... Бир умрга ўлмайман!... Минг йиллардан кейин ҳам Унутмас мени боғим!

Усмон Носирнинг эзгу нияти, умиди, ишончи, илҳомини шунчалар кучли ва галати.

Илҳомимнинг вақти йўқ, селдай келади, Жаллоддек раҳм этмай дилни тилади.

Шоир тилинган дилнини, ички руҳий пўртаналарини ҳам, баъзан теварак-атрофида, ижтимоий ҳаётда юз бераётган воқеликни ҳам шеърга солади. Шунинг учун шеърларида ўзи яшаган даврга хос луғавий бириқлар ҳам қузатилади. Шоир шеърларининг мавзуси ранг-баранг, кўламини кенг. Гоҳида сайру саёҳатлар таассуротидан шеър бунёд бўлса, баъзан сўзи билан кечинмалар сувартини чизади. Ўзи билан, юраги билан суҳбат қуради.

Юрак, сенсан менинг сезим, Тилимга найни жўр этдинг.

Кўзимга ойни беркитдинг, Юрак, сенсан ишқибозим.

Шоир шундай қуйма мисралари туйфайли бадий сўз ишқибозларининг меҳрини қозонди, замондошлари ва ўзидан кейинги давр шоирларининг эътирофларига эришди. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов нисбатан

қисқа умр кўриб, ўзидан яхши ном ва гўзал шеърлар қолдирган шоирларни “Улар чақмоқдек бўлиб дунёга келганлару, чақмоқдай оловли из қолдириб дунёдан ўтганлар”, дея тавсифлайди.

Президентимизнинг Усмон Носир таваллудини 110 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарориде шоирга: “Ўзининг бетакор истеъдоди, юксак матонати ва халқпарварлиги билан ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирган, мустабид тузум даврида сиёсий қатагон қурбони бўлган оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир халқимизнинг машҳур фарзандларидан биридир”, деб баҳо берилади.

Дарҳақиқат, бу йил туғилганига 110 йил тўладиган, ўзидан “ўчмас из қолдирган” истеъдодли шоир Усмон Носирнинг ижод боғи, унинг ёди унутилмайди, асарлари гўзал инсоний фазилатлар ва кўнгли тарбияси учун хизмат қилади.

Баҳодир ҚАРИМ, филология фанлари доктори

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

Борий АЛИХОНОВ, Олий Мажлис Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси



Тараққиёт стратегияси ҳар биримизнинг ҳаётимизга дахлдор, бугунимиз ва эртанимиз билан chambarchас боғлиқ, манфаатларимиз, ҳуқуқларимиз, бурчларимиз мужассам бўлган муҳим ҳаётий ҳужжатдир. Бинобарин, барчамиз унда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш, кўзланган мақсадга эришиш йўлида бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилмоғимиз, қийинчиликларга қарши қатъий курашмоғимиз, фаол фуқаролик позициясини намоён этмоғимиз зарур.

ҲАР БИРИМИЗНИНГ ҲАЁТИМИЗ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ БЎЛГАН МУҲИМ ҲУЖЖАТ

Инсон қачон ўзини бахтли ҳис қилади, қачонки, бугунги ҳаётдан мамнун бўлса, эртанги кунга, фарзандлари келажагига ишончи мустаҳкам бўлса. Минг шукри, бугун юртимизнинг қайси гўшасида бўлмайлик, ким билан суҳбатлашмайлик, халқимизнинг ана шундай кўтаринки кайфияти ва келажакка юксак ишонч билан яшаётганига гувоҳ бўламиз.

Миллий экологик қонунчиликни ривожлантириш билан бирга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир халқаро шартномаларга қўшилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилди.

Кесиб, қундаков қилиш, шикастлантириш ёки йўқ қилишни назарда тутувчи лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаганлик учун жавобгарлик, янги қуриладиган бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришда яшил майдонлар ҳажми умумий майдоннинг 25 фоизидан кам бўлмашлиги талабини белгилаш мақсад қилинган.

Энергиясидан фойдаланишни кенгайтириш орқали иқтисодий-ижтимоий ривожланишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Миллий иқтисодий ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш йўналишида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича аниқ мақсад ва вазифалар белгилаб берилган.

Албатта, бундай натижаларга ўзидан эришилгани йўқ. Буларнинг барчаси юртимизда узқоқни кўзлаб юритилган оқилона сиёсат самарасидир.

Тараққиёт стратегиясининг олтинчи, яъни умумбашарий муаммоларга миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ечим топиш йўналишида экологик муаммоларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Тошкент шаҳри қўлай, экологик тоза ва яшаш учун барча имкониятлар мавжуд бўлган ҳудудга айлантирилади, қўқаламзорлаштириш даражаси 2022 йилда 15 фоиз ва 2023 йилда 30 фоизга етказилади.

2026 йилга келиб электр энергияси ишлаб чиқариш кўрсаткичини қўшимча 40 миллиард кВт.соатга ошириб, жами 110 миллиард кВт.соатга етказиш, 2026 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25 фоизга етказиш эвазига йилга қарий 3 миллиард куб метр табиий газни тежаш ҳамда ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажминини 8 миллион тоннага камайтириш белгиланган.

Утган беш йилда Ҳаракатлар стратегияси бизга асосий дастур бўлиб хизмат қилган бўлса, келгусида ривожланишнинг янги сифат босқичига кўтарилишида Тараққиёт стратегияси муҳим омили бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Келгусида атроф-муҳитга таъсир ҳавфи юқори бўлган объектларнинг ифлослантирувчи манбаларидан автоматик равишда намуналар олиш тизими татбиқ этилади. Натияжада ифлослантирувчи манбалар ташламалари устидан автомат назорат тизими яратилади, инсон омилсиз мониторинг амалга оширилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, Орол денгизининг қуриши натижасида юзага келган экологик, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш, оқибатларини юмшатиш борасидаги ишлар жадал давом этирилади. Денгизнинг қуриши тубида қўшимча 500 минг гектар яшил майдон барпо этилиб, 2026 йил якунига қадар уларнинг умумий ҳажми 2,5 миллион гектарга ёки ҳудуднинг 78 фоизига етказилади.

Бундан ташқари, водород энергетикаси технологиялари соҳасида илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва янги илмий ишланма асосида водород энергиясини олиш, сақлаш ва ташиб технологиясини яратиш дастурини тасдиқлаш ҳам белгиланган.

“Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида ҳар бир соҳадаги ислохотларнинг узвийлиги ва давомийлиги изчил таъминланади.

Атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш механизминини такомиллаштириш, атроф-муҳитни қузишти, унинг ифлосланиш даражасини прогност қилиш, давлат экологик назоратини доимий ахборот билан таъминлаш, ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати ва атроф-муҳитга таъсири устидан мониторинг амалга оширилиши таъминланади.

Саноат тармоқларида йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича “яшил иқтисодиёт”га ўтиш ва энергия тежамкорлиги дастури ишлаб чиқарилади. Бундан саноат тармоқларида табиий газ, электр энергияси ва нефть маҳсулотларини тежаш орқали энергия сизими 20 фоизга, шу жумладан, 2022 йилда 5 фоизга камайтирилади.

Туртинчидан, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш. Бешинчидан, маънавий ва маърифий соҳаларда ислохотларни амалга ошириш. Олтинчидан, глобал муаммоларнинг миллий ва минтақавий даражадаги ечимларини топиш. Еттинчидан, тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Шу ўринда Тараққиёт стратегиясининг аҳамиятига алоҳида тўқналиб, унинг 3 та муҳим хусусияти ҳақида сўз юритишни мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Аввало, у мамлакатимизнинг келгуси ривожланиш босқичини белгилаб берадиган муҳим ҳужжатдир. Яъни, Стратегия юзага келиши мумкин бўлган яққол таҳдидлар, қолаверса, “мавҳум”, “эҳтимолий” таҳдидлар ҳам инобатга олиб, уларни бартараф этиш чораларини белгилаган ҳолда ишлаб чиқилган.

Шунингдек, Республика ҳудудида амалга оширилаётган ҳужжалар ва бошқа турдаги фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш юзасидан давлат экологик экспертизаси ўтказилади. Бу борада амалга оширилаётган ҳужжалар ва бошқа хил фаолиятнинг атроф-муҳитга таъсир қўраштиради тоифасини аниқлаш юзасидан ўтказилган хатлов натижалари асосида ҳужжалик йортувчи субъектларни давлат экологик экспертизасидан ўтказиш ва улар фаолиятини экологик талабларга мувофиқлаштириш, ҳужжалик йортувчи субъектларга берилган давлат экологик экспертизасининг ихобий ҳулосаларида белгиланган талаблар бажарилишини назорат қилиш тизими йўлга қўйилади.

Урмон билан қопланган ҳудудлар ҳавосида кислород миқдори бошқа жойлардагидан бир неча баробар кўп бўлади. Дарахзорлар инсон саломатлигини сақлашда муҳим восита бўлиб, киши руҳиятига кўтаринкилик бағишлайди. Янада аҳамиятлиги, қалин дарахзорлар чанг билан бирга, турли шовқинларни ҳам ютади.

Бундан ташқари, водород энергетикаси технологиялари соҳасида илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва янги илмий ишланма асосида водород энергиясини олиш, сақлаш ва ташиб технологиясини яратиш дастури тасдиқлаш ҳам белгиланган.

Албатта, 7 та устувор йўналиш ва 100 та мақсаддан иборат Тараққиёт стратегияси юртимиз раванки, халқимиз фаровонлигини таъминлашда асосий дастуриламал бўлади.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳолини яхшилаш борасидаги ишлар, “Яшил макон” умум-миллий лойиҳаси изчил давом этирилади. Лойиҳа доирасида ҳар йил каммида 200 миллион туп дарахт экилади. Лойиҳа ташаббусларига мос тарзда республиканинг 10 та ҳудудида даэробологик мониторинг тизими йўлга қўйилади.

Саноат тармоқларида йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича “яшил иқтисодиёт”га ўтиш ва энергия тежамкорлиги дастури ишлаб чиқарилади. Бундан саноат тармоқларида табиий газ, электр энергияси ва нефть маҳсулотларини тежаш орқали энергия сизими 20 фоизга, шу жумладан, 2022 йилда 5 фоизга камайтирилади. Бино ва иншоотларда энергия самарадорлиги 30 фоизга оширилади, йирик ишлаб чиқариш корхоналарида энергияни тежаш ва самарадорлигини ошириш бўйича техник сиёсат ишлаб чиқарилади.

Тараққиёт стратегиясига мувофиқ, Халқаро молия институтлари ва хорижий давлат молия ташкилотлари ҳамда бюджет маблағлари хисобига амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида ўз эҳтиёжлари учун иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш компонентини киритиш тартиби жорий этилади. Шунингдек, “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш мақсудига қаратади.

Президентимизнинг сўнгги йилларда мазкур соҳага оид 10 га яқин фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 30 дан зиёд ҳужжатлари қабул қилинганга экология ва табиатни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳоли саломатлигини муҳофазалашга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, дарахтларни ноқонуний кесиб қилишга мораторий мuddатини узайтириш, парклар ва “яшил зоналар” ҳудудини бошқа мақсадлар учун ишлатишни қатъиян тақиқлаш чоралари қўйилади.

Урмон билан қопланган ҳудудлар ҳавосида кислород миқдори бошқа жойлардагидан бир неча баробар кўп бўлади. Дарахзорлар инсон саломатлигини сақлашда муҳим восита бўлиб, киши руҳиятига кўтаринкилик бағишлайди. Янада аҳамиятлиги, қалин дарахзорлар чанг билан бирга, турли шовқинларни ҳам ютади.

Бундан ташқари, водород энергетикаси технологиялари соҳасида илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва янги илмий ишланма асосида водород энергиясини олиш, сақлаш ва ташиб технологиясини яратиш дастури тасдиқлаш ҳам белгиланган.

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни



Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар юзасидан жавобгарликни қўқайтириш, лойиҳаларни ҳужжатларида бундай навларни

Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши бўйича ҳуқуқбузарликлар

Бўш турган ерда ўн кун, узоғи билан ўн беш кун ичида барча шароитларга эга, замонавий уй бунёд бўлишни ақсарият инсонлар тасаввур ҳам қила олмаслиги табиий. Тасаввур қилганида ҳам, бунақа уйлар мустақкам бўлмайди, деган хаёлга бориши мумкин. Чунки азалдан уй қуриш машаққатини яхши билишган. Шу маънода ҳам бир пайтлар овлоқ жой ҳисобланган пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги катта майдонларда мўъжизадек қад ростлаган шаҳарча кўпчилик юртдошларимизнинг хайратини оширгани бор гап. Аммон бугун давр шиддаткор, шунга монанд барча жабҳада тезкорлик, замонавийлик бирламчи ўринга чиқди. Хусусан, уй-жой масаласида ҳам. Юқорида тилга олинган тез ва сифатли тайёр бўладиган йиғма уйлардан Европа, АҚШ, Туркия, Швейцария каби ривожланган мамлакатлар аҳолиси кенг фойдаланади.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ЧЕККА ХУДУДЛАРДА ЙИҒМА ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР

АРЗОН, ҚУЛАЙ, СИФАТЛИ

ОДАМЛАР ҲАМ УЙЛИ, ҲАМ ИШЛИ БЎЛАДИ

Анджон вилоятининг Кўргонтепа тумани ҳокими Элёрбек Набижонов 2019 йилда Туркияга хизмат сафари пайтида ана шундай уйларни алоҳида ўрганган ва тумандаги йирик пахтачилик кластери — "KhanTex Group" МЧЖнинг хорижлик мутахассислари учун йиғма уйлардан олиб келган.

Айни пайтда 10 дан зиёд давлатга калава-ип ва тайёр трикотаж маҳсулотларини экспорт қилаётган "KhanTex Group" МЧЖда 5500 нафар маҳаллий ишчида ташқари 25 нафар хорижлик мутахассис ҳам фаолият юритади. Улар туманининг "Чорвадор" МФЙ худудига жойлаштирилган замонавий, ихчам ва сифатли хизмат уйларида истиқомат қиляпти. Умумий 1,4 гектар ер майдонидagi замонавий хизмат уйлари туркиялик мутахассисларнинг ўзлари қисқа фурсатда қурган. 30 га яқин уйдан иборат кичик шаҳарча, уйлар ичидаги шароитларга туман аҳли ҳавас қилган. Зилзилага бардошли, ёзда салқин, қишда иссиқ бу хизмат уйлари ёнида келгусида қўшимча янги лойиҳа асосида кафе, умумий овқатланиш шохбчаси, болалар ўйингоҳи, мини футбол, теннис майдони, автотураргоҳ қуриш кўзда тутилган.

Сир эмаски, қишлоқ аҳли ўз хонадониди ҳаммоми, замонавий ошхонаси бўлишни орзу қиляпти. Шаҳардаги сингари ҳамма қўлайликлар унинг ичида бўлишни истайдиган бундай

одамлар учун худди шу имкониятларга эга бўлган арзон уйлар айни муддао. Шундай йиғма уй 68 квадрат метр жойни эгаллаган ва ўша пайтда 110 миллион сўмга айланган. Бугунги кунда 160 миллион, мебеллар билан тўлиқ жиҳозланган тақдирда 220 миллион сўмга борадиган бу уйлар ҳозирги замонавий уйлар нархига нисбатан қарийб икки баробарга арзонлиги билан қишлоқ одамларини қизиқтирмақда.

Кўргонтепа туманида аҳоли сони кўпчилиги боис, иш ўринлари муаммо экани, ақсарият ёшлар мавсумий ишлар билан бандлиги ҳақида давлатимиз раҳбари ҳам кўп бор гапирган. Аниқ рақамларга таянмаган бўлсак, бугунги кунда худудда 9 минг нафар фуқаро ишсиз, четда юрганлар 14 минг нафар. Сўнгги пайтдаги ўзгаришлар, четдан кираётган инвестициялар ҳисобига туманда 17 минг ишчи ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Ана шундай режалар, янги лойиҳалар билан танишиш мақсадида Кўргонтепага келган Анджон вилояти ҳокими Шухратбек Абдураҳмонов "Чорвадор"даги замонавий уйлар билан яқиндан танишиб, тумандаги уйга муҳтож одамлар ҳам шу уйларни ипотека кредити асосида беришни таклиф қилди. Энг муҳими, уй олиш истагида бўлган, аммо машии йўқлигидан уйлар билан турганлар ҳам бу борада муаммога дуч келмайди. Бундай фуқаролар ҳам уй, ҳам иш билан

таъминланади. Шуларни ҳисобга олган туман ҳокими яна Туркияда бўлиб, "Hekim Holding" вакиллари билан учрашди.

Элёрбек Набижонов туркиялик ишбилармонларга мазкур уйлар материалларини Кўргонтепа туманида ишлаб чиқариши ва тайёрлашни таклиф этди. Чунки уйни тайёрлаш учун керак бўладиган иккита маҳсулотдан ташқари, барчасини ўзимизда ишлаб чиқариш мумкин. Битта уйни Туркиядан олиб келиш харажати 7000 доллар тушишни ҳисобга оладиган бўлсак, уйларни ўзимизда тайёрлаш улар нархини янада арзонлаштиришига олиб келади. Қолаверса, камида 100 киши иш билан таъминланади.

Айни пайтда кўргонтепалик 15 киши турк мутахассисларидан иш ўрганиб келишга тайёрланган. Турклар шуни маъқул топди. Аслида ҳам иш 100 кишидан кўра, 15 кишига пухта ўргатилса, улар ёрдамида қолганларга ўргатиш осон кечади. Худудда ташкил этиладиган алоҳида холдинг таркибидида қурилиш материаллари, бўёқ, пластик, озиқ-овқат, машина ва ускуналар ишлаб чиқарадиган корхоналар, ширкатлар эса аҳолини иш билан таъминлаш ва арзон маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим ўрин тутади. Хуллас, яқин келажақда Ўзбекистоннинг энг чекка худуди — Кўргонтепа вилоят, мамлакат, қолаверса, Марказий Осиё бўйлаб замонавий уйлар тайёрлаш марказига айланади.

Германиялик ўқитувчиларга ҳам замонавий уйлар

Яқинда Президентимиз раислигида мактаб таълимини ривожлантириш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида туман, вилоят ҳокимларининг мактаб таълимига эътибори кескин кучайтирилиши таъкидланди. Шу ўринда айтиш жоизки, Кўргонтепа тумани ҳокимининг бу борадаги режалари ҳам гоёт аҳамиятли.

Келгуси йил давомида амалга оширилиши режалаштирилган яна бир лойиҳа туманда таълим соҳасини халқаро тажрибалар асосида ривожлантиришга хизмат қилади. Лойиҳа доирасида туманга хориждан малакали педагоглар ва мутахассислар таклиф этилди. Қуни кеча Германиядан 5 нафар ўқитувчи ташриф буюрди. Улар тумандаги 11 та умумтаълим мактабидида 50 нафар ўқитувчи малакасини оширишга жалб этилади. Бу хорижлик мутахассисларга ҳам замонавий хизмат уйларида 5 таси аввалдан тайёрлаб қўйилган.



Кафтдек бўлса ҳам бошпананг бўлсин

Халқимиз "Кафтдек бўлса ҳам бошпананг бўлсин, қолгани секин-аста бўлаверади", деб уйсиз одамга имкон қадар ёрдам қўлини чўзишга ҳаракат қилади. Мамлакатимизда уй-жой масаласига жиддий ёндашилаётгани ҳам шу каби қадриятларимизга асосланади. Топган-тутганини даставвал уй-жой олишга сарфлайдиган одамларимиз тўй қилгудек бўлса, ками билан бир ой, бўлмаса ярим йил аввал уйини ўнглаш ҳаракатига тушади. Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, 100 йилга чидайдиган йиғма замонавий уйлар қишлоқ одамларининг ҳам вақтини, ҳам нақдини тежаси билан аҳамиятли.

Ердан унумли фойдаланиш учун кўп қаватли уйлар кўпайтириладиган бир пайтда, бундай хонадонлар ерни банд қилиб қўймайди, дейишингиз мумкин. Биргина Кўргонтепа тумани мисолида оладиган бўлсак, худуддаги 3 минг нафар уйга муҳтожларнинг 2,5 минг камида 6-10 сотих ер майдонидида уйларда яшайди. Муаммо бир оиладаги 3-4 нафар ўғил фарзандни уйлагач, шу битта ҳовлига сиғдира

олмаслиқда. Биз айтётган 4-5 хонали замонавий уйлар атиги 1 сотихга жойлашиши масалага ечим бўлиши мумкин.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш керак, чет элларда оммалашган мазкур уйлар сал ўзбекчалаштирилган. Халқимизнинг болажонлиги кўзда тутилиб, болалар ётоқхонаси, қарияларни эъозлашимиз инobatга олиниб, 2 та катталар ётоқхонаси қилиш, кириш йўлакларини ҳам бироз кенгайтириш таклифи мутахассисларга билдирилди. Умуман, миллийлигимиз замонавий уйларимизда ҳам акс этишига ҳаракат қилинапти. Ичида барча шароити муҳайё бўлган 2-3 та уй бир ҳовлига қўқ бериб туриши баробарида ноқулайликлару майда-чўйда низолағар чек қўйишга хизмат қилса ажабмас. Уйлайимизки, Кўргонтепада яқин келажақда амалга ошадиган ушбу лойиҳа республикамизнинг барча худудлари учун намуна бўла олади.

Муножат МҲМИНОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

ИННОВАЦИЯ

ИНТЕГРАЦИЯ ВА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

СИФАТНИНГ ЎСИШИ, ТАННАРХНИНГ КАМАЙИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Фазилиддин МҲМИНОВ,
Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

Моҳиятан "янгилаштириш, янгилаштириш" маъносини англатувчи инновация, биринчи навбатда, фан-техника ютуқларини ўзида мужассам этади. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларига ана шундай янгилаштириш руҳи яратувчанлик иштиёқини олиб кириш давлат сиёсатининг пировард мақсадига айланиб бормоқда. Шу боис, ижтимоий-иқтисодий, саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларида илм-фан ва ишлаб чиқариш узвийлигини таъминлаш, реал сектордаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган тадқиқотлар янги лойиҳаларнинг яратилиши ҳамда татбиқ этилишига замин яратмоқда.

ИПАК ҚУРТИ ҒУМБАГИДАН ОҚСИЛГА БОЙ ОЗУҚА ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Кимё фани соҳасида амалга оширилаётган янги лойиҳалар тармоқни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Балкичилик ва паррандачиликни ривожлантиришда янги, замонавий "интенсив" технологиялар, бекис аминокислоталар ва протеинга бой оқсил асосидаги озукларнинг аҳамияти катта. Полимерлар кимёси ва физикаси институти олимлари томонидан ипак қурти ғумбагидан оқсил ва унинг асосида тўйимли, протеинга бой озук олиш технологияси ишлаб чиқилди. Халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида қўлланиладиган хитин, хитозан, ғумбак ёғини ишлаб чиқариш жараёни экологик хавфсиз бўлиб, технологик чиқиндилар

асосида органик-минерал ўғит яратиш, маҳаллий хомашёни ортикача чиқимларсиз қайта ишлаш имконини ҳам беради. Маълумот ўрнида айтиш жоиз, аминосахаридлар синфи вакили хитиндан тиббиётда турли хоссаи дори воситалари, биологик фаол моддалар олинади. Экологик хавфсиз полимер таркибга эгаллиги боис, пахта чигити, бугдой, шולי ва бошқа дуккакли уруғларни екишдан аввал капсулалашда ҳам қўлланилади. Ғумбак ёғи лак-бўёқ ва парфюмерия корхоналари учун кимматбаҳо хомашё сифатида ишлатилиши ҳам лойиҳанинг аҳамияти юқори эканини кўрсатади.

Полимерлар кимёси ва физикаси институти технологик лабораторияси

шароитида маҳаллий маҳсулот — ипак қурти ғумбагидан оқсил партиялари ишлаб чиқарилиб, парранда ва балки озукларидида қўллаш бўйича синов ўтказилди. "Inter Silk Pro" МЧЖ қўшма корхонасида табиий ипак чиқиндисини комплекс қайта ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, оқсилнинг самардорлигини аниқлаш бўйича кузатувлар Қашқадарё вилоятининг паррандачилик илмий-тадқиқот станцияси ва "Косон гўшт-сут маҳсулотлари" МЧЖ паррандачилик хўжалигида олиб борилмоқда. Оқсилни синовдан ўтказиш жараёнида уни озук таркибидида 0,5 фоиз микдорда қўллаш тухум олиш унумдорлигини 48 фоизга, гўшт ҳажмини эса 50 фоизгача орттиришга олиб келди.

Ушбу технологияни амалиётга жорий этиш, биринчидан, янги хоссаи озук яратиш имкониятини беради, иккинчидан, чиқиндиларни утилизация қилишда қўл келади.

САҚЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ҚУЛАЙ

Саноат иқтисодиёти тармоқларининг жадал ривожланиши, қолаверса, аҳоли сони ҳамда ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши ўз ўрнида нефть, газ, кўмир ва бошқа турдаги ёқилгиларга бўлган эҳтиёжни янада оширади.

"Кимёвий технология" МЧЖда "Кўмир брикет ишлаб чиқаришда қўлланиладиган импорт ўрнини босувчи маҳаллий боғловчи" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Кўмир қазиб олиш жараёнида қарийб 30 фоиз қаттиқ ёқилги майдаланиб кетиши оқибатида чиқитка чиқади. Ана шу зарраларни ёнувчанлиги ва мустаҳкамлиги юқори бўлган боғловчи моддалар ёрдамида махсус қурилмаларда брикетлаш катта аҳамиятга эга. Жараёнда қўлланиладиган боғловчининг маҳаллийлаштирилиши сарф-харажатларни камайтиради.

Айтиш жоиз, кўмир брикетининг ихчам шаклга эгаллиги уни ташини, сақлаш ва фойдаланишда қўлайлик яратади. Қолаверса, оддий кўмирга нисбатан узоқ ёнади. Ёниб бўлгандан кейин ҳам ўзининг бирламчи шаклини йўқотмайдиган мазкур восита таркибидида зарарли моддаларнинг камлиги сабаб аҳоли ўртасида тобора оммалашмоқда. Энергия ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш, аҳолини сифатли қаттиқ ёқилги маҳсулоти билан таъминлашда бу каби лойиҳаларнинг аҳамияти катта.

Табиат муҳофазасига доир тадқиқотлар бариқ давраларда аҳамиятли. Зоология институти ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофазига қилиш давлат остидаги турлари бўйича рақамли давлат кадастри фаолиятини юритиш йўлга қўйилган. Шунингдек, Тошкент вилоятидаги



муҳофазига қилинадиган ҳайвонот дунёси объектларининг ахборот-таҳлилий маълумотлар базасини яратиш лойиҳалари ҳам амалга оширилмоқда.

Бугун энг илғор инновацион ғояларни бошқалардан кўра, тезроқ амалиётга жорий қилган соҳа муваффақиятга эришади. Геологияга доир тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан амалий ва инновацион лойиҳалар танлови ўтказилиб, соҳа ривожланишининг реал эҳтиёжлари ва минтақавий муаммоларини ҳал этишга қаратилган юқори технологияли инновацион маҳсулотлар яратилмоқда.

Геология ва геофизика институти "Навоний кон-металлургия комбинати" АЖ билан ҳамкорликда Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғларининг кам ўрганилган ва тўлиқ ўрганилмаган объектларидан олтин маъданлашуви истиқболларини ўрганиш ва бошқа йўналишлар бўйича Марказий Қизилқумнинг маъдан-магматик тизимларини шакллантириш омилини тадқиқ қилинмоқда.

Соҳага доир янги лойиҳалардан яна бири Сиёжак кони маъданларидан ва техноген чиқиндилардан ванадий ажратиш олиш технологиясидир. Ўзбекистонда ванадий хомашёсининг аниқланган

захиралари 47 миллиард тоннадан орттиқ, деб баҳоланади.

Ҳозирги пайтда пўлат ишлаб чиқариш саноатида кенг миқёсда ишлатиладиган ванадийга бўлган эҳтиёж импорт ҳисобига қопланади. Мазкур талабнинг ўрнини босувчи маҳсулотни маҳаллий хомашёлардан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқариш истиқболли лойиҳалардан бири ҳисобланади.

Яна бир изланиш ҳақида тўхталсак. Минерал ресурслар институти "Олмалиқ КМК" АЖ билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалари орқали табиий захираларни қидириш ва қазиб олиш ишлари самардорлигини оширишни мақсад қилган. Тадқиқотлар натижасида Ангрен кон бошқармаси объектларида олтин таркибли маъданлар технология татбиқ қилиниб, Хондиза ва Чинорсой конлари маъданларининг моддий таркибидидаги кимматбаҳо компонентларни ажратиш олиш технологияси такомиллаштирилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, сўнгги йилларда муайян фан соҳалари, жумладан, математика, кимё, биология ва геология фанларининг йирик мутахассислари, соҳа бўйича кадрлар тайёрлайдиган илмий ва ўқув муассасалари, шунингдек, саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари янгона мақсад асосида бирлашган тизимга айланди. Умумий ўрта таълимдан тортиб, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, манфаатдор тармок корхоналарига ҳамкорлик механизми ишлаб чиқилиб, уларнинг ўзаро интеграцияси учун мустақкам замин яратилди. Мана шундай имкониятлар маҳсулот сифатининг ошиши, таннархининг камайишига ва рақобатбардош бўлишига хизмат қилмоқда.



66

— Янгиликнинг аҳамияти шундаки, у асосан нанотехнологиялар, машинасозлик, аэрокосмик кемалар, умуман, учувчи жисмларни ясада қўлланадиган ўта мустаҳкам, енгил, шу билан бирга, юқори ҳароратга чидамли суперқотишма ҳисобланади. Бу илмий кашфиёт устида тўрт йилга яқин ишладим. Изланишларим бесамар кетмади. Ихтиро дунёнинг етакчи олимлари эътиборидан четда қолмади ва кўни кеча халқаро патент берилгани ҳақида хабар келди.

БИЛИМЛИ ЁШЛАР — ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИ

ЎЗБЕК ОЛИМНИНГ КАШФИЁТИ ДУНЁ ЭЪТИРОФИДА

Дунёда интеллектуал салоҳият маҳсули бўлган ғоя ва кашфиётлар алоҳида қадрланади. Чунки ҳар қандай йўналишдаги ихтиро ёки фан янгилиги, аввало, муайян соҳа ривожига, қолаверса, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, инсон ҳаётини янада яхшилаш, бахтли ва фаровон ҳаётини таъминлашга асос бўлади.

Ўзбекистон — иқтидорлилар мамлақати. Буни биз эмас, жажон айтаяпти. Ўзбекистонлик ёш олимларнинг ижодий, интеллектуал, инновацион ғоя, лойиҳа ва технологиялари бугун дунё аҳлининг эътирофига сабаб бўлмоқда. Жумладан, яқинда Янги Ўзбекистон университети проректори Элёржон Жумаевнинг нанотехнологиялар йўналишида никель асосли суперқотишма ихтироси учун халқаро патент берилгани оламшумул воқеа бўлди. Ёш олим билан суҳбатимиз ихтиронинг аҳамияти ва патентлаштириш жараёни ҳақида кечди.



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!

талабаларни мунтазам равишда фандаги кашфиёт ва янгиликлардан хабардор қилиб борамиз. Келгусида бу ўзининг самарасини беради.

— Ўзбекистонда қиммат муҳандислиги соҳаси истиқболли қандай тасаввур қиласиз?

— Бугун кўп қўлланган кашфиётлар айнан қиммат муҳандислиги соҳасида қилинмоқда. Қиммат муҳандислиги муҳандисликнинг қимматли қисми бўлиши билан конструкцияси, шунингдек, ишлаб чиқаришни тақомиллаштириш усулларини ўрганидан тури саналади. Қиммат муҳандислари хомашёни фойдаланиш мақсадига айлантириш учун иқтисодий-тижорий жараённи ишлаб чиқади. Шунингдек, энергия ва материаллардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, ташиш ва ўзгартириш учун қиммат, физика, математика, биология ва иқтисодий таъминотлардан фойдаланади. Мазкур соҳа муҳандислари фаолияти лабораторияда нанотехнология ва наноматериалларни ишлашдан тортиб, қиммат, хомашё, тирик ҳужайра, микроорганлизм ва энергияни фойдали шаклда ҳамда маҳ-

ўйнайди. Ҳозир қиммат муҳандислиги иқтисодлашган кўп қўлланган соҳа корхоналари ёки заводлар табиий бойликни хомашёлигича сотиш ёки экспорт қилишга кўпроқ эътибор берапти. Агар у қайта ишланган ёки бойитилган ҳолда экспорт қилинса, нархи тўрт-беш баробарга ошади.

Яқинда фойдаланишга топширилган "GTL-Uzbekistan" заводи дунёдаги энг катта ва ноёб беш лойиҳадан биридир. Бундай санат корхонаси дунё бўйича тўртта эди, бешинчиси Ўзбекистонда барпо этилди. Уйламанки, бу корхона юртимиз ривожига ўзгача хисса қўшади. Биз талабаларни етук кадр сифатида шу каби гигант корхоналарга қиммат муҳандислиги бўйича тайёрлаб беришни ният қилганмиз. Ушбу даврда талабаларнинг шундай корхоналарда амалиётини ташкил қилиш орқали ишлаб чиқаришга мослаштириб, малакали кадр сифатида етказиб берамиз.

— Қиммат муҳандислиги қанчалик жозибador бўлмасин, ўзига яраша мураккабликлари ҳам бор. Бу соҳада ўқиниш истаган ёшларнинг айланиши шундай мураккабликлар биров чўчиштиши мумкин. Уларга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?

— Қиммат соҳаси ҳар хил элемент, моддаларни ўзида жамлаган. Радиоактив ёки ҳар хил хавфли элементлар билан ишлаш зарурати борлиги учун кўпчилик бу соҳани мураккаб деб ўйлайди. Аслида осон ишнинг ўзи йўқ. Бу борада инсон ўзига ҳо ҳо бўлиб босиб ўтади. Қиммат муҳандислиги ҳам жуда қизиқарли, ҳам ўта масъулият талаб этадиган соҳадир. У кенг тармоқли бўлгани учун соҳага тегишли олий ўқув юртини муваффақиятли тамомлаган талабалар йирик компанияларда ишлаши табиий.

Мамлакатимизда қиммат муҳандислиги соҳасида кўп қўлланган кашфиётлар корхоналари ва компаниялар фаолият юритмоқда. Табиийки, нуфузли компаниялар етук кадрларни ишга олишни мақсад қилади. Янги Ўзбекистон университети ҳам халқаро андозаларга таянган ҳолда етук кадрлар тайёрлашни мақсад қилган. Менимча, қиммат фанининг тўлиқ оқимониятлари ва унда эришилган ютуқлар аниқтинки тушунирилса, ёшларнинг бу фанга қизиқиши ортади. Бу ўз ўрнида, бир канча илмий муаммоларнинг ечимига хизмат қилиши бораборида дунё тан олган кашфиётлар, ихтироларга сабаб бўлади.

Рисолат МАДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

— Янгиликнинг аҳамияти шундаки, у асосан нанотехнологиялар, машинасозлик, аэрокосмик кемалар, умуман, учувчи жисмларни ясада қўлланадиган ўта мустаҳкам, енгил, шу билан бирга, юқори ҳароратга чидамли суперқотишма ҳисобланади. Бу илмий кашфиёт устида тўрт йилга яқин ишладим. Изланишларим бесамар кетмади. Ихтиро дунёнинг етакчи олимлари эътиборидан четда қолмади ва кўни кеча халқаро патент берилгани ҳақида хабар келди. Бу жуда ҳам ноёб материал хорижда олиб борган изланишларимга бевоқифа баҳолик. АҚШда ишланганда ушбу материалнинг хусусияти, хоссалари ўрганилган ва бошқа мураккаб қимматли текширув жараёни ўтказилган эди. Ушбу суперқотишмага нанотехнологияларда кенг фойдаланиладиган, мустаҳкамлиги жуда юқори, мукаммал материал сифатида қаралади. Қотишма металл оиласига мансуб материаллардан кўра 30-35 фоиз мустаҳкамлиги, юқори эгилувчанлиги билан фарқ қилади.

— Илмий янгиликдан қандай натижа кутиляпти ва бу мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига қанчалик хизмат қилади?

— Ишлаб чиқаришга кенгроқ жорий қилсак, бу янгилик катта самара беради, деб бемалол айта оламиз. Чунки қотишма ҳар хил муҳитда синиб кўрилган. Агар уни бошқа давлатларга экспорт қилишга эришсак, натижаси юқори бўлади. Лекин ишлаб чиқаришга келсак, бу бироз мураккаб жараён. Сабаби, ишлаб чиқариш асосида баъзи нозик жиҳатлар бор. Бир-икки дақиқалик янгилишни ҳам материалнинг хусусиятига таъсир қилиб, қўрилган натижани бермаслиги мумкин. Агар мамлакатимизда ишлаб чиқаришга жорий қилдиган бўлса, лаборатория ёки завод кўринишидаги корхона керак.

— Айни пайтда қалбингизда қандай кечинмалар кечаяпти?

— Патент олганимни эшитганимдан кейин АҚШдаги патент агентлиги ва аввал ўзим фаолият юритган компания раҳбарлари алоҳида кўнгирақ қилиб, табриклаганида меҳнатларим ўз меърасини берганини хис қилдим. Ихтиром жамиятга фойдаси тегишидан қувондим. Ҳолатимни сўз билан тасвирлаб беришни қийин. Бу рағбат бундан ҳам яхшироқ кашфиётларга ундайди. Кашфиётнинг халқимизнинг ҳам ютуғи. Чунки мен Ўзбекистон фарзандиман. Ихтиром ҳам Ўзбекистонда халқаро жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Мен бундан фахрланаман.

— Дунёнинг нуфузли олий таълим муассасалари, илмий лабораториялари ва компанияларида, хусусан, НАСА лабораторияларида илмий изланишлар қилгансиз. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Янги Ўзбекистон университетида ишга таклиф қилдингизми?

— Янги Ўзбекистон университети ўз йўналишида "Дунёнинг энг яхши 1000 университети" рейтингига 1-ўринда турадиган Массачусетс технология институти ва Германиянинг Мюнхен техника университети билан ҳамкор. Университетга

этилганингизда ҳеч иккиланмай, юртимизда ишлаш истагини билдиридингиз. Нима сабабдан фаолиятингизни чет элда эмас, Ўзбекистонда давом эттиришга қарор қилдингиз?

— Янги Ўзбекистон университетига таклиф этилганимда жуда хурсанд бўлдим. Чунки дунёнинг қайси нуқтасида фаолият юритмай, Ўзбекистон фарзанди бўлиб қолавераман. Мамлакатимизнинг ҳар бир ютуғи ва юксалишидан кўксим тоғдек ўсади. Президентимизнинг ёшларга, илм-фан аҳлига катта эътибор қаратаётганидан хабарим бор эди. Шу боис, Янги Ўзбекистон университетига ишлаб, ёшларни юртга қараikli, салоҳиятли кадрлар этиб етиштиришга ҳисса қўишим мумкинлигини англадим. Университетнинг дунёда юқори ўринда турувчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорлиги, ўқув дастурларининг биргаликда тузилгани, ўқув жараёни бевоқифа амалиёт билан боғлиқлиги хориждаги етакчи олий ўқув юртлари профессор олимларнинг эътиборини торта олади. Шу сабаб бу таклиф мени бефарқ қолдирмади. Бошқа давлатларда олиб борган илмий ишларим ва кашфиётларимни Ўзбекистонда, ўз юртимизда ёшлар билан бирга амалга оширишни ният қилдим. Ҳозирги талабаларнинг кўзида ёниб турган илм-фанга ташналик ва янгиликка интилувчанлик, ўйламанки, қарорим нотўғри эмаслигини исботлади.

— Бугун университетда қайси хорижий олий ўқув юртларининг илгор методикалари қўлланоқда?

— Янги Ўзбекистон университети ўз йўналишида "Дунёнинг энг яхши 1000 университети" рейтингига 1-ўринда турадиган Массачусетс технология институти ва Германиянинг Мюнхен техника университети билан ҳамкор. Университетга



Музаффар Абдуллаев олган суратлар

моқда. Етакчи профессор-ўқитувчилар амалий ва назарий билимларни уйғунлаштирган ҳолда фаолият юритмоқда. Асосан, фундаментал билимларни шакллантиришда анимация ва презентацияларга таяниб, талабаларга фанни ҳаётини мисоллар орқали тушуниришга ҳаракат қилишади. Бошқача айтганда, таълим олувчиларнинг замонавий фанларни 3D шаклда тушунишига замин яратмоқдамиз. Бундан ташқари,

сулолларга айлантирадиган йирик санат жараёнига қадар қаратилиши мумкин. Қиммат жуда кенг соҳа. Мамлакатимиз табиий ресурсларга бой. Юртимизда барча турдаги ноёб табиий бойликларга таяниб, Ахир, маҳсулот еки табиий бойликларни фақат қазиб олиш ва экспорт қилиш эмас, балки уни қайта ишлаб, фойдаланиш мақсадига айлантириш мумкин. Шунинг учун бу жараёнда янги кашфиёт, янги илмий ишланмалар муҳим роль

БАҒРИКЕНГЛИК

“БОЛАМ, КЕЛДИНГМИ...”

Тонг қоронғисида дарвоза тақиллади. — Ким у? — Мен, Султонбекман, она! — Вой, болам, келдингми, эшик очик... Оназорнинг кўнгли дийдор фурсати яқинлигини сезганди. Телевизордан эшитган жазо мuddатини ўтаётган олтидан зияд фўқаро афв этилгани ҳақидаги хушхабар унга сира тинчлик бермади. Даров уйдагиларни тайёргарликка ундади, кечаси билан ҳовлини саранжом-сарийталаш билан овора бўлди. Вужуди толиб, бирозгина дам олди, лекин руҳиятида қандайдир енгиллик ва ажиб безовалик бор эди. Хаёли ташқарида, дилбанднинг босаётган қадами сингари волида муҳтарамнинг ҳам юрак уриши тезлаша бошлади, ҳаяжон ортиди. Ва ниҳоят, неча йиллик орзуси ушалди. Яратганга қилган илтижолари рўёбга чиқди. Ўғли соғ-саломат қайтиб келди.

ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисидаги фармони эшикка термилган қоракўзларга рўшнолик улашди. Мамнун чехраларни кўриш ва дил сўзларини қозоғга тушириш учун Наманган шахрининг Фаровон маҳалласида яшовчи Мухиддиновлар хонадонига шошилдим. Кувонч кўз ёшлари ҳали қурмаган онахоннинг меҳмонлар таширидан хурсандлиги, миннатдорлиги чексиз. — Мухбир болам, Аллоҳга шукрки, энди бундан кейин қанча умр насиб этса, номини хотиржамлик билан ейман. Қўни-қўшини ва қариндошлар олдида юзимиз ёруғ бўлди. — дейди Марғуба опа Нажмиддинова. — Илоҳим, ҳаммининг фарзанди ўз бағрида ўйнаб-қулиб юрсин. Бу бахтиёр дамларни узок кутдик. Аввалига ишонмадим, лекин ўша 63 нафар маҳкумининг орасида Султонбегим борлигини Худойим дилимга солди. Уч йил буюр жазо мuddати қисқаргани, ҳозир эса бутунлай озод бўлди. Юракларга қувват бағишлайдиган муҳим фармонни чиқарган, имкон берган, меҳрибон Президентимизнинг азиз боши омон бўлсин, уларни фақат дуо қиламиз...



отахон Абдулхамид Мухиддинов ҳаёти давомида кечирган воқеалар тўғрисида сўзлай кетди. У бугунги дориламон кунларинг, тинчликнинг, ҳалол меҳнатнинг қадри баландлигини, ота-онанинг жигарбанди учун дуоси ижобат бўлишини қайта-қайта таъкидлади. Шундан сўнг собиқ маҳкум Султонбек акани суҳбатга тортидик.

— Косибчилик билан рўзгор тебратётганим. Нимадир бўлди-ю, эгри йўлга кириб, қаттиқ қоқилдим. 2002 йили сентябрь ойида диний экстремизм оқимида қўшилганим айби билан 30 йилга қамалгандим. Қамоқда салкам 20 йил ўтирдим. Мuddатим тугашига 7 йил бор эди. Аммо дастлаб уч йилга қисқарди,

бугун эса бутунлай эркинман... Айтмасам бўлмайди, жазони ижро этиш муассасасида биз учун шароит ёмон эмасди. Озиқ-овқатдан камчилик бўлмади. Бадни ва ҳуқуқий китоблар, ижтимоий-сиёсий, диний газета-журналлар ўқидим, турли маънавий-маърифий, маданий тадбирларда фаол қатнашдим. Телевизор орқали Ўзбекистонимиздаги янгиликларни қузатиб бордим. Фикрларим яхши томонга ўзгарди. Умринг ганиматлигини, Ватаннинг, оиланинг, озошликнинг, соғинч туйғусининг қадрига етдим. Дарвоқе, туғилиб ўсган Наманганимизга келиб, очиги, кўчаларни танимадим. Шаҳримиз қиёфаси тамоман ўзгарди, баланд иморатлари, техникалари уста курувчиларни кўриб, бунёдкорлик ишларига ўз хиссамни қўшсам дейман...


Султонбек ака қамоққа олинганда тўнғич ўғли чақалоқ эди. Турмуш ўртоғи билан муҳаддас ризталари узилмаган экан, учрашиб туришди. Шу даврда яна бир ўғил, бир қиз қуришди. Қҳрамонимиз мусибатдан қийналса-да, сабр билан ворисларини тарбиялаб улғайтирган ота-онаси розилиги, аёли ва уч фарзанди қамолати ҳамда жамият ривожига учун жамки куч-қайратини сарфлашга,

66 Мана, уч кундирки, бу хонадонда шодиёна. Узок мuddатли жазони ижро этиш муассасасидан анча эрта қайтган Султонбек Мухиддинов ўз оиласи бағрида. Президентимизнинг жорий йил 31 январдаги “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгиладан пўшаймон бўлган ва тузаланиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармони эшикка термилган қоракўзларга рўшнолик улашди.

яни ҳаёт бошлашга аҳд қилган. У бутун орзу-армонлари, келажакдаги эзгу ниятлари билан ўртоқлашаркан, унга ишонч билдирган давлатимиз раҳбаридан кўндан-кўн миннатдор эканлигини билдирди. Хайрлашар чоғимизда самимий оҳангда қўшимча қилди: “Ука, қимнинг айби бўлса, ростдан афсусланиб, қалбдан кечирим сўраса, давлатимиз ҳам, Президентимиз ҳам афв этаркан. Шу гапимни албатта ёзинг. Чунки буни мендек адашган бошқалар ҳам ўқиниши, тушуниши ва яхши томонга ўзгартириши истаيمان...”

Орифжон Жўраев, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

14 ФЕВРАЛЬ – ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИ КУНИ



ҒАФЛАТ УЙҚУСИДИН УЙҒОН, гар тилар бўлсанг мурод...

Ўзбек адабиётининг буюк сиймоларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодини қайта-қайта ўрганиш, мутолаа қилиш уммон тубидаги янги гавҳарларни излаб топши билан баробар. Буюк шоирнинг шеър ва ғазалларини, рубойи ва маснавийларини ўқиб экансиз, кўнгилнинг бетакрор ва беозор жилоларига, меҳр сарчашмасининг зилол мавжларига гувоҳ бўласиз. Шоир ўзининг бир шеърда ёрнинг қайноқ муҳаббатидан жон олиб, жон берувчи эканлигини тасвир этса, яна бир шеърда оламга яхшилик кўзи билан қарашни, вафо ва садоқат йўлида муродга етмоқликни ихтиёр этади.

Ашуралӣ БОЙМУРОД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Меҳр ва вафо ҳақидаги битикларнинг гултожиға айланган "Яхшилик" ғазалини ким ҳам севиб ўқимайди, дейсиз. Уша сарсон-саргардонлик йилларида кўплаб ёру дўстларидан, навкарларидан жудо бўлган Бобур Мирзо ҳижрий тўққиз юз олтинчи, милодий 1500-1501 йилларда Самарқанд яқинида ушбу байтни битди. Ким кўрубдур, эй кўнеул, аҳли жаҳондин яхшилик, Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилик, Бу замонни нафъй қилсам айб қилма, эй рафиқ, Кўрмадм ҳаргиз, нетайин, бу замондин яхшилик. Бобур Ҳиндистон сафарига ҳозирлик чоғида ҳам, энг аввало, садоқатли аъёнларига, вафодор дўстларига ишонар эди. Бу ишонч ва садоқат туйғулари бир он, бир сония сўнмас, ёрни, диёрни, яқин дўстларни асраш, авайлаш туйғуси сира кўнгилдан нари кетмасди. Балки ана ўша юксак туйғулар Бобуршоҳни Ҳинд сори юзлатган бўлса, ажаб эмас. Шоирнинг кўплаб ғазалларида вафо ва садоқатни, ёр васлиға муштоқликни шундоқ англаб етиш мумкин.

Сўрма ҳолимники бўлдум бурноғидин зорроқ, Жисм жондин зору жоним жисмдин афзорроқ, Ғафлат уйқусидин уйғон, гар тилар бўлсанг мурод, Ким етар максадга ҳар ким, бўлса ул бедорроқ. Буюк шоир ўз Ватанидан олисда бўлса-да, бутун умри давомида ёр ва диёр соғинчи билан яшади. Кўнгилдаги армон ва истақларини, ҳижрон азобларини гўзал, бетакрор битикларида ифодалади. Биргина "Бобурнома"нинг ўзида шоир ички дунёсининг турфа қирралари, илмий, жүгрофий, маърифий-ахлоқий жиҳатлари кўзгудек акс этиб турибди. Бугунги авлод бу асарни қайта-қайта мутолаа қилиб борса, янгича мазмун ва маълумотларни кашф қила олиши, шубҳасиз, Айнисса, асар сўнгида бутун Ҳиндистонни забт этиб, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш жараёнидаги ўзига хос ибратли фазилатлари беихтиёр эътиборни тортади. Бобур дейди: "Башир нафси ёмонликка майл этишдан узоқ эмас. Нафсини поқлай олмадим, чунки нафс ёмонликка амр этгүвчидир. Ундан қайтши бағишловчи малликнинг лутф-марҳаматидан бошқа мумкин эмас". "Бу Аллоҳнинг эҳсонидир. Кимга хоҳласа бахш этади. Аллоҳ катта эҳсон эгасидир" ("Бобурнома" асари).

Инсонларни олижаноб фазилатларга, аҳил ва иноқликка даъват этиш, давлат ишларини юргизишда ақлан комилликка интилиш туйғулари шоирнинг кўнгил нолаарини ҳам тебратиб турган. Аҳбоб, йилғилмоқчи фароғат тутунғуз, Жамъиятингиз борини давлат тутунғуз, Чун гардиши чарх будурур танери учун, Бир-бирни неча кунгә ганимат тутунғуз. Дўсту ёрларни авайлаш, инсон қадрини улуғлаш туйғуси, айнисса, Бобур ҳаётининг сўнги йилларида авж пардага чиқди. Шоир ўз оласини, жигаргўшаларини, фарзандлари бирла опа-сингилларини беҳад севар эди. Ана ўша меҳр, яқинлик туйғуси Бобурни албатта халққа, ижода янада яқинлаштирар, кўпроқ жўшқин меҳнат қилишга даъват этади. Зеро, шоир одамларга яхшилик қилишни, ҳар қандай вазиятда ҳам вафодор дўст бўлишни дариг тутмаган. Етларни керакки, ошно кам қилсанг, Ҳар кимки вафо қилса, жафо кам қилсанг, Навмиод бўлур барча вафодорларинг, Гар шаҳ назаринг бирла вафо кам қилсанг. Сўздин иборат ажойиб бир лашкар тузган шоир ҳамиша тафаккур жангида голиб бўлишни ихтиёр этади.



Ҳатто тафаккур баҳсидаги бундайн музаффарият Бобурнинг давлат ишларида ҳам жуда кўл келган. Унинг хузурига таширф бюрган турли мамлакат элчилари, подшоҳлик вакиллари ҳам жуда эҳтиёткорлик билан мулоқотда бўлган. Зеро, улғу шоирнинг лутфу қарамлари ҳар қандай дипломатик муносабатларга ўзгача бир шавқ бағишлаган.

Эй ел, бориб аҳбобқа номимни дегил, Ҳар ким мени билса, бу каломимни дегил, Мендин демагил гар унутулган бўлсам, Ҳар кимки мени сўрса, саломимни дегил. Бобур ҳазратлари кўп ҳолларда теварак-атрофидаги одамларнинг, аҳли аъёнларнинг хулқ-ахлоқини, асл кўнгил ҳолатини сўзига қараб билиб олар эди. "Сўзум тинглаб англагайсан ўзумни..." деган сатрлар ҳам бежиз битилмаган.

Менинг тилагим будурки, навозанда бўлай, Ҳар қанда эсан мен даги анда бўлай, Не хулқ эди, яно кўнғалум олдинг сўз ила, Ширин сўзу яхши хулқингга банда бўлай. Бобур ҳаётида эл қайғуси, улус ташвиши ҳамиша бош мақсадлардан бири бўлган. Буни "Бобурнома" асарида ҳам кўп бора кузатиш мумкин. Айрим лавҳаларни ўқиганимизда, Бобурнинг мардона, жасур қиёфаси кўз олдимизда гавдаланади. Одамларнинг пешона тери эвазига ҳақини тўлаш, уларни қадрлаш, яхшиликка яхшилик ила жавоб қайтариш Бобур шахсиятида муҳим ўрин тутган. Ҳар қандай давлат иши билан банд бўлган тақдирда ҳам оддий халқ турмушидан ҳамиша бохабар бўлганлиги одамийлик шева-сининг юксак намуналаридан бири эди.

Давлатга этиб меҳнат элин унутма, Бу беш кун учун ўзунни асру тутма, Борганин, кел энди, ёд қилмай, эй дўст, Бориш-келишини лутф этиб ўқутма. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, буюк давлат ар-бобларидан бири эътироф этганидек, Бобур ҳақиқатан, дилбар шахс. Ҳамини шоҳ ва шоир сифатида эмас, инсон сифатида намоён этилиши афзал билган.

Сен улусени мен ҳақир бўлбурдурмен, Сен шуъласану ул шуълага қулдурмен, Нисбат йўқдур деб иштиноб айламаким, Шаҳмен элга, вале санга қулдурмен. Шоҳ саройида илму толибларга, тарихчи, солномачи ва муаррихларга алоҳида эътибор билан қаралган. Андижону Самарқанддан, Тошканду Бухородан илми, зиёли кишилар кўпроқ жалб қилинар, Ҳиндистон заминидан зафарли юрши ордин саодатли, маърифатли давлат барпо этиш истаги жўш урар эди. Ғалабалардан шукроналик ҳиссини туйиш баробарида маърифат ва зиёга интилиш ҳаракати устувор бўлган. Мамлакатнинг ҳарбий салоҳияти юксак бўлишида ҳам, энг аввало, илмнинг, маърифатнинг аҳамияти катта эканлиги қайта-қайта уқтирилган.

Ким, ёр анга илм толиби, илм керак, Ҳар анга илм толиби илм керак, Мен толиби илму толиби илме йўқ, Мен бормен илм толиби, илм керак. Бобур яшаган даврда хаттолик, рассомлик, наққошлик ва меъморлик санъатига алоҳида эътибор билан қаралар эди. Шунинг учун бўлса керак, шу соҳада иқтидори бўлган инсонлар Балхдан, Хурросону Мовароуннаҳрдан кўпроқ қақтирилган. Хунарпеша, фозил кишилар беҳад қадрланган. Бобуршоҳнинг юртни обод қилиш йўлидаги меҳр ва садоқат туйғуси жўш уриб турган.

Шоирнинг ўз яқинларига меҳру муҳаббати нечоғлиқ балад эканлигини у ҳақда ёзилган тарихий асарлар ҳам тасдиқлайди.

"Ё, парвардигор! — деб илтижо қилди у. — Менки Бобурмен, агар жон бериш мумкин бўлса, умру жонимни Ҳумоюнга қурбон қилдим! Азроил менинг жонимни олсуну Худо Ҳумоюнга шифо берсин!". Йигирма уч ёшли Ҳумоюннинг йигит юраги отаси кўрсатган руҳий мададдан куч олиб, оғир касалликни ахйир енди.

Бобур ўғлини оромбўғнинг тўридаги хонайи ҳосда қабул қилди. Ҳумоюн унинг қаршида тиз чўкиб, кўзига ёш олиб гапирди: "Ҳазратим, мен сизнинг илтижоингиз билан шифо топмишмен. Ҳумоюн келганимдан бери Худодан тилайманики, сизнинг умрингиз узоқ бўлсин! Бу улғу давлатни сиз барпо этдингиз. Ҳаммамизнинг пушти паноҳимиз ўзингизсиз. Парвардигор бизга раҳм қилсин! (Пиримқул Қодиров, "Юлдузли тунар", 532-бет)".

Ҳумоюннинг отасига қилган илтижоларида ҳам фарзандлик меҳри, падари бузрукворига садоқат ва ҳурмат туйғуларини яққол ҳис этиш мумкин. Бобурийлар сулоласининг давомчилари кейинчалик ҳам бобуларининг аъёнларини муносиб давом эттирганликлари тарихдан ахши маълум. Инсонни қадрлаш, ўз яқинларига бахту саодат бағишлаш, меҳрибон ота ва шоҳ бўла олишдек улғу бир шараф Бобур вафотидан кейин ҳам Ҳиндистонда уч аср муттасил давом этди.

Бобур Ҳиндистонда катта бир мамлакатни, улғу салтанатни барпо этди. Илми, маданият ва маърифатни тартиб қилди. Фозил инсонларга гамхўрлик кўрсатди. Бу ҳақда улғу шоир шундай ёзган эди:

Юз шукр де, Бобурки, карими ғаффор, Берди сенга Синду Ҳинду мулки бисёр, Иссиқлиғига гар санга йўқтур тоқат, Соғуқ юзини кўрай десанг, Ғазни бор.

Улғу бобомизнинг Ҳинд дивёрига ўзгача бир меҳр ила ниғоҳ ташлагани шундоқ билиниб туради. Юкорида таъкидлаганимиздек, Бобурийлар Ҳиндистонга улкан бир маданиятни олиб кирдики, буни сўз билан таърифлаш қийин.

2016 йилнинг бошларида сайёҳлик билан Ҳиндистон сафарига бўлдим. Дехли ва Аградаги диққатга сазовор жойларни томоша қилдим. Айнисса, Аграга сафаримиз бир умр ёддан чимайдиган бўлди.

Дунёнинг етти мўъжизасидан бири, дея тан олинган Тожмаҳал қад ростлаб турибди. Унга келиб-кетувчи сайёҳларнинг сафи узилмайди. Ушбу мажмуанинг Шоҳжаҳон томонидан 22 йил давомида қуриб битказилгани ва маъзур бунёдкорлик ишга 20 мингдан зиёд қурувчи ва меъморлар жалб этилгани мени лол қолдирди. Нима бўлганда ҳам Бобурийлар сулоласи юксак маънавият соҳиб экани шундоқ билиниб турибди. Бобур ва унинг авлодлари ўз ақл-заковати билан ҳинд маданиятига катта таъсир ўтказган.

Зиёратқонинг ҳар бири биносига диққат билан назар ташласангиз, гўё мазийдан садо таралаётгандек тўлади. Мажмуанинг бош биносига элтувчи йўллар ранго-ранг гуллар, гўзал дараклар билан безанган. Ҳамроҳларимиз билан биргаликда улкан зиёратгоҳ худудини айланар эканмиз, улғу бобуларимиз меросининг жаҳон аҳли томонидан катта қизиқиш билан ўрганилаётганидан ифтихор туйдик.

Тожмаҳални зиёрат қилиш чоғида кўнгилдаги туйғулар беихтиёр шеърга кўчади: О, Ҳиндистон дунёнинг мўъжизаси бағринда, Пешонанда буюклар муҳрин боссан бир зарҳал, Мафлун бўлиб қолгандим меҳмон бўлиб шаҳринда, Юрашимда қайтадан яралди бир Тожмаҳал! Бобур Мирзо тўғрисида жуда кўп бадийий ва тарихий асарлар яратилган. Мен булар қаторида Румер Годеннинг "Гулбадан" асари, Пиримқул Қодировнинг "Бобур" ва "Авлодлар довони" тарихий романлари, Хайридин Султоннинг "Бобурийнома" маърифий романи алоҳида таъкидлаш ўрнини истардим. Уларнинг барчасида Бобур шахсияти, унинг ватанпарварлиги, меҳр ва садоқат эгаси экани ўзгача муҳаббат билан тасвирланган.

Янги Ўзбекистоннинг улғувор ғояларини рўйбга чиқаришда, учинчи Ўйғониш даврининг мустаҳкам пойдеворини бунёд этишда буюк Бобурнинг бой маънавий меросини қайта-қайта ўрганишимиз, қалб уммонининг инжу гавҳарларидан баҳраманд бўлишимиз зарур. Бу улкан маънавий мерос, шеърятнинг бетакрор ва гўзал гулшани бизни саодат сари, маънавий юксалик сари етаклаши шубҳасиз.

ВАТАН ХАЁЛИ

Учиб кетди оламга Оқсаройдан оқ хатлар, Оқ хатлар эмас улар, соғинч, фироқ, ҳасратлар, Руху жонимга туташ мулки сўнгсиз сарҳадлар, Ҳазрат Соҳибқироннинг тоза ниҳоли — Бобур.

Бори элга яхшилик қилмоқ надир, билдик биз, Сиз Ҳинд сори кетдингиз, сиз сорига елдик биз, Сиз Ватанга келдингиз, сиз томонга келдик биз, Оҳ, бунчалар ёруғдир Ватан хаёли, Бобур.

Ватандан мужда келса, айтинг қанда жон қолди — Ширин қовун таъмидан на-да танда жон қолди, Самарқандда дил қолди, Андижонда жон қолди, Бир мард юрт деб йиласа тутгай уволи, Бобур.

Киши гариб кўнглини тушунгайдир гурбатда, Гурбат — бу гарибликдир, зам-андўдир, албатта, Инсон билмас не сир бор, дунё деган турбатда, Идрок этдим, бу кимнинг жавоб-саволи, Бобур.

Тўхтамайди Жайхундай сўзи — ҳаёт китоби, Ҳар кўнғилда мавж урар, унинг шиддат, шитоби, Маҳшиаргача янграгай ҳақ йўлида хитоби, Шундан доим баланддир дарду иқболи, Бобур.

Айтган билан тугамас, жсон-жсонининг жсон сўзи, Ватаним, миллатимнинг ҳар ўғлини, ҳар қизи, Ҳазрат боболаримнинг қутлуг, муборак изи, Ҳумоюн ҳам Гулбадан, Комрон, Ҳиндоли, Бобур.

Маним ёниб айтганим бир қатти жсаҳон бўлгай, Бўйи қўкка етган сарв, тик қадди жсаҳон бўлгай, Пойдевори мустаҳкам, зўр садди жсаҳон бўлгай, Жаннатлардан хуш насим — юртим шамоли, Бобур.

Учиб кетди оламга Оқсаройдан оқ хатлар, Оқ хатлар эмас улар, соғинч, фироқ, оҳ, хатлар, Руху жонимга туташ мулки сўнгсиз сарҳадлар, Ҳазрат Соҳибқироннинг тоза ниҳоли — Бобур.

Ғайрат МАЖИД

ЗАМОНДОШ

Ҳамон изланишда, ҳамон ижод билан банд

Яхши одамларга табиат ҳам ҳавас билан қарайди. Қўёш унга ҳароратини, тағтини берса, гуллар унинг боши узра хушбўй ифторларини таратади. Филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, "Дўстлик" ордени соҳибига Тоштемир Турдиев, ҳеч бир истисносиз, ана шундай ҳурматга, эътиборга лойиқ олим, шоғирдлар учун сеvimли устоз. Биргина "Алломиш" дostonи устидаги тадқиқотлари учун унга ҳар қанча таҳсин айтсак арзийди.



Раъно Узоқова... Бу ном бугунги кунда ўзбек китобхоналарига яхши таниш. Ота-онасидан уч ёшида етим қолган қизалоқчи темир йул ишчилари — Марям опа ва Бадриддин ака ўз оиласига олиб тарбияланди. Раъно Узоқова улардан бир умр миннатдор эканини кўп айтган.

Шоира жуда оз яшади. 31 ёшида юрак хасталиги туфайли ҳаётдан кўз юмди. У тиркчилида "Мардона юринг" деган биттагина тўплам тартиб этди, ҳолос. Қолган асарлари архивларда, газета таҳлилларида қолиб кетди. Шоиранинг бой меросини адабиётшунос олим Тоштемир Турдиев тўплади, "Талип юрак", "Сайланма", "Бахт қўшиғи" китоблари дунё юзини кўришига бош-қош бўлди.

Мен Тоштемир ақани кўп йиллардан бери биламан. Ёшлигимизда биз устоздай бўлишни орзу қилардик. Кейин насиб этиб, у киши билан бирга ишляямиз, ҳатто ака-сингли, устоз-шоғирд даражасига бориб етдик. Устозни иш юзасидан турли вазиятларда кузатганим ва бирор марта бирор инсон ундан норизо бўлганини кўрмаганим.

Тоштемир ака қуйидаги гапларни кўп такрорлайди: "Имом Бухорий ҳазратларидан ўқидим: шариатда энг зўр инсон ғазабини жилволай оладиган одам экан. Биз эса бўлар-бўлмасга осмонни бошимизга кўтарамиз, нодонлик қиламиз. Ахир, бу дунёда содир бўлаётган катта-кичик воқеаларнинг кайфиятимиз, шовқин кўтаришимизга нима алоқаси бор! Йўқ, сўкинсак, бировага танбех бериб дилини оргитсак, дунёнинг ишлари ўзгариб қолади, деб ўйлаймиз. Бу ҳаракатимиз билан ҳам биродаримизни ранжитамиз, ҳам ўзимизни гуноҳкор қиламиз".

Устоз — бағрикенг инсон. Шу боим, сурхондарёлик ижодкорларнинг кўпи доим унинг хузурига ошиқиди, интилади, ёзганларини

кўрсатади, маслаҳатлар олади. Зеро, Тоштемир ака ҳам ижод аҳлини иззат-иқром қилади, илтифот кўрсатади.

Тоштемир Турдиевнинг табиатан хушқа-чақлиги, сизни кўрганда юзлари ёришиб, ўзини кўрага жой топа олмай қолиши, энг муҳими, сиз учун вақтини қизганмаслиги ибратли фазилат. Бу сингари хислатлар кўлимизда тобора камайиб бораётганини оргрик билан эътироф этдик-дан ўзга чора йўқ. Негадир ўзимиздан ортмай қолаётганга ўшаймиш. Балки шунинг учун бўлса керак, Тошкентдан Сурхондарёга отланган Ёзувчи шоирлар, журналистлар Тоштемир Турдиевни қора тортиб, Деновага интилади. Чунки меҳмон Деновада эътибор, иззат-иқром, илтифот, меҳр кўради. Айтнинг, бундай одани хурмат қилмасдан, соғинмасдан бўладими?!

Тоштемир ақанинг ана бир катта хизмати Денов адабий муҳити намоёндаларининг асарларини бир жилда тўплаб чоп этгани бўлди. Турли манбаларда сочилиб ётган асарлар катта бир китобга жамланди.

"Денов қасидаси" эса, илмий ибора билан айтганда, фундаментал китоб. Чунки бу китобни диққат билан ўқисангиз, Деновнинг уч-тўрт минг йиллик ўзашимиздаги маълумотлар тафсилотларига дуч келасиз. Беихтиёр: "Қаранг, биз жуда қадим манзилнинг одамлари эканмиз", деган фахр туйғуси сизни камраб олади. Маъмурий иш билан ижодий ишни муво-занатда сақлаш жуда машаққат. Бунинг учун киши уйқусидан, оромидан воз кечиши керак. Устоз бундай мувозанатни сақлай олганлардан бири. У 50 йилдири, илм билан банд. Ушлаб китоблар, юзлаб мақолалар ёзди. Лекин ҳеч қачон тўхтаб қолгани йўқ, ҳамон изланишда, ҳамон ижод билан банд.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайдими.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 352
85881 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматовва
Мусахҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй